



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИТТИМОИЙ-СИЙOSИY ГАЗЕТАСИ



№ 16 (1204) 2023 йил 1 июнь, пойшонба

1995 йил 10 июльдан чиқиб бораётган

www.mf.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish

9 июль – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

6

БОЛАЛАРИМИЗ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

8

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИДА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НОМЗОДИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАНДИ



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ VIII СЪЕЗДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД КўРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Худудий Кенгашлардан сайланган делегатлар, таникли олимлар, парламент аъзолари ва ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда партия дастурий максалларининг амалга ошириши Президент Шавкат Мирзиёев фаолияти билан chambarchas боғлиқ экани эътироф этилиб, партия Пленумида илгари сурилган номзод қўллаб-қувватланди.

Маълумки, «Миллий тикланиш» юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчиси ва ташаббускорларидан бири сифатида ўз электорати бўлмиш таълим, маданият сохалари вакиллари, бир сўз билан айтганда, зиёлилар қатлами манфаатини парламент ҳамда маҳаллий Кенгашларда самарали ифодалаб келмоқда.

Албатта, жамиятдаги ўзгаришлар инсон омилсиз амалга ошмайди. Инсоннинг ўзгариши эса тарбия ва таълимга боғлиқдир. Шу боис, партия ўзи учун «Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради» шиорини танлаб олган. Партия кейинги йилларда, айниқса, таълим-тарбия, миллий ўзлик ва миллий маданиятни асраш, туризм ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб вазифалар ижросини таъминлашга катта ҳисса қўшапти.

Партия Марказий кенгаши раиси Алишер Кодиров партиянинг VIII Съезидаги маърузасини глобаллашга дунё бефарқлар ва бирлаша олмаётганларни жазолаяпти, деган ибора билан бошлади.

– Қадриятлар ва ўз манфаатларини англамайдиган жамият эса бегона манфаат ва қадриятларга хизмат қилади, – деди А.Кодиров. – Қадрланган, ҳуқуқлари ҳимояланган инсонлардан иборат жамиятларгина ўз қадриятларини англаши ва ҳимоя қилиши мумкин.

Бугун ишонч билан шуни айта оламизки, Янги Ўзбекистон ислохотларининг энг катта ютуғи бу – инсонни қадрлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини хурмат қилиш сиёсатининг изчил амалга ошаётганидир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, «Миллий тикланиш»нинг асосий шиори ҳам, бош мақсади ҳам инсон билан боғлиқ.

Партия ғоялари буюк алломаларимизнинг «...инсон ўзгарсагина жамият ўзгаради», деган қарашлари пойдеворида қад ростлаган. Инсоннинг ўзгариши эса сўзсиз оила, боғча ва мактабларда тарбия ҳамда таълимнинг қандай ташкил этилишига боғлиқ.

Давоми 2,3-бетларда



РЕГИСТОН



КИМНИКИ?

НЕГА ТАРИХЧИЛАРИМИЗ СУКУТ САҚЛАШМОҚДА?

5.

» ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛАЁТГАН АВЛОД

» МУЗЕЙГА ҚАЙТИБ БОРМАСАМ КЕРАК...

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

4.

Узоқ кутилган

АДОЛАТ

7.



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НОМЗОДИ

(Бошланиши 1-бетда)



Шу сабабли ҳам энг устувор мақсадларимиз таълим ва тарбия соҳасидаги ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир. Қайд этиш жоизки, қисқа давр ичида мактабгача таълим тизими янгидан барпо этилди, десак хато бўлмайди. Жойларда юзлаб боғчалар қурилгани ҳам бунга мисол. Охириги олти йилда партия дастурий мақсад ва вазифаларининг асосий қисми бевосита Президент Шавкат Мирзиёев фаолияти натижаси ўлароқ амалга оширилди, — деди партия етакчиси. — Хусусан, ўз олдимишга қўйган дастурий мақсадларимиз сифатида белгилаб олган ва ижроси таъминланган 237 та мақсаддан 143 таси бевосита Давлат раҳбарининг қарор ва кўрсатмалари асосида ҳаётга татбиқ этилди. Энг устувор вазифамиз ҳисобланган она тилимиз,

миллий тарихимиз, маданият ва меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш масалалари ҳам айнан Ўзбекистон Президентининг кенг қамровли фаоллиги, миллатпарварлик сифати туфайли амалга ошяпти. Янги Ўзбекистонда кадрятлар ўзаги саналган оила институтини жамиятнинг асосий бўғини сифатида мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй беряпти. Шу билан бирга, миллий ишлаб чиқариш қўллаб-қувватлаб, иқтисодийтимиз сезиларли даражада ривожланмоқда. Хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. 2022 йилда иқтисодийга 10 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Экспорт ҳажми эса 19 миллиард долларга етди.

Яна бир муҳим ўзгариш: 2023 йилда туризм хизматлари экспорти 2017 йилга нисбатан 3 баробарга ошиб, 1,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилгача юртимизга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар сонининг ўсиш суръати ўртача йиллик 8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 3 баробарга ошиб, 5,2 миллион нафарга етди. Алишер Қодировнинг таъкидлашича, ўтган йиллар давомида мактабгача таълим тизими, мактаб ва олий таълим ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Натижада, мамлакатда инсон камолоти учун зарур шарт-шароитлар яратилди. 2017 йилда мактабгача ёшдаги болаларнинг 18-20 фоизи боғчаларга камраб олинган бўлса, 2023 йилда 70 фоизлик маррадан ўтилди. Умумтаълим мактабларида

эса таълим дастурига ўзгаришлар киритилди. Хусусан, Президент, иқтисослаштирилган ва ижод мактаблари ташкил этилди. Биргина ўтган йили 3,2 триллион сўм миқдорда маблағ сарфланиб, 807 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Партия ташаббуси билан мактабларда жорий қилинган «Тарбия» дарслиги ҳам миллий ва умуминсоний кадрятларга таянган тарбияни шакллантиришга ҳисса қўшмоқда. Партиянинг профессионал тарбиячилар тайёрлаш ҳақидаги таклифи асосида эса педагогика олийгоҳларида янги ихтисослик жорий этилди. Бор йўғи 6 йил аввал олийгоҳларимизда ўқийдиган ёшлар 9 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 40 фоиздан ошди. Бир сўз билан айтганда,

амалдаги Президент илгари сураётган ғоя ва ташаббуслар сабаб миллатимиз ва давлатимиз нафақат ривожланмоқда, балки жаҳондаги ишончли ва ҳисоблашиш керак бўлган давлат сифатидаги нуфузини ҳам оширмоқда. Тан олиш керак: бузғунги Ўзбекистон қачонлардир молиявий халқаро ташкilotлар, инвесторлар, кўйинги, ён кўшнилари ҳам ишонмай қолган мамлакатимиз ўз сўзининг устидан чиқиб, манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳамда ўзгалар манфаатини ҳам ҳурмат қиладиган нуфузга эга бўлди. Айниқса, ташки сифатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиёда ўзаро ишончга таянган барқарор конструктив муҳитнинг юзга келишида Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий маҳорати ва иродаси ҳал қилувчи роль ўйнади. Президентимиз Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатидаги халқаро нуфузини оширишга ҳам бекиёс ҳисса қўшмоқда. Буларни нафақат кўшни давлатлар, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Бир кун нотинч бўлган жойда, қирк кунлик барака кетади, дейдиган халқимиз барқарорлик ва хотиржамликнинг кадрини жуда яхши билади. Шавкат Мирзиёев глобал тараккиятдан орта қолмаслигимиз учун муҳим қарорлар қабул қилиш билан бирга, ўзлигимизни асраш, ҳаётбахш кадрятларимизни келгуси авлодларга синдиришдек заруратни ҳам унутмапти. Мисол тариқасида, Конституцияга киритилган иқтисодий давлат концепциясини олайлик. Бу инсон қобилияти ва табиатига уйғун бўлган рақобатга тўсқинлик қилмаслик орқали даромадли қатлам вакилларининг кўпайишини таъминлаш, яъни тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг халқпарварлигига таяниб, иқтисодий масъулиятни рағбатлантириб, азалий кадрятимиз бўлган бой қатламни кўмакка муҳтожларга эътиборсиз бўлмаслигига эришишдан иборатдир. Бу аслида миллий давлатчилик маданиятимизда иқтисодий мувозанатни таъминлаган кадрят ҳисобланади. — «Миллий тикланиш» ҳам либерал-демократик тараккиятни қўллаб-қувватлайди. Биз ҳам Ўзбекистонни барча ривожланган давлатлар қаторида ўзлиги билан мағрур ва мустаҳкам туришини, халқимизни замонавий ютуқлардан фойдаланиб, тўқин ва фаровон яшашини истаيمиз. Фақат бу миллий кадрятларимизнинг кадрисизланишига олиб келмаслиги керак. Алоҳида қайд этиш жоизки, ўзлигини йўқотиб қўйган иқтисодий тўқинлик фаровонликка олиб келмаслигини ривожланган дунё таърибаси исботлаб бўлди, бунга яна бир марта исботлашга ҳоҳат йўқ энди. Айнан шу сабабли ҳам бугун манфаатлар учун кескин ва бешафқат кураш кетаётган дунёда манфаат ва кадрятлар ўртасидаги кўринмас чегарани моҳирона ҳимоя қиладиган миллатпарвар етакчи Шавкат Мирзиёев атрафида бирлашишимиз керак деб ҳисоблаймиз, — деди Алишер Қодиров.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING НАВБАТДАН ТАШҚАРИ VIII СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА РАСМИЙ АХБОРОТ

2023 йилнинг 31 май кунини Тошкент шаҳрида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдан ташқари VIII Съезди бўлиб ўтди. Унда партия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкilotлари Конференцияларида сайланган делегатлар, партия Марказий кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Съездда 2023 йилнинг 9 июль кунини мўддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига партиядан номзод кўрсатиш, партия Уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Марказий кенгаш аъзоларининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Съездда «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров партиядан номзод кўрсатиш масаласида маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, партия

дастурий мақсадларининг амалга ошириши Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирмонович Мирзиёев фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, партиянинг ушбу қарори мамлакатимиздаги барқарорлик, аҳолининг эртанги кунига бўлган ишончи билан бирга партиядошларимизнинг хоҳиш ва истақлари асосига қурилган. Маърузада, шунингдек, аввалги парламент сайловларидан кейин партия олдида қўйилган дастурий мақсадлар сифатида белгилаб олинган ва ижроси таъминланган 237 та мақсаддан 143 таси бевосита Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармон, қарор ва кўрсатмалари асосида амалга оширилгани эътироф этилди. Кун тартибидagi масала юзасидан Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Ширинов, Касаба уюшмалари федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Улыкбек Жалменов, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори,

сенатор Азамат Зиё ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, партия қарорини тўла қўллаб-қувватлашларини таъкидладилар. Шундан келиб чиқиб, Съезд делегатлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига юртимизда миллий юксалишни амалда таъминлаётган, миллат ва Ватанга садоқати ҳамда халқпарварлигини амалда исбот қилган Шавкат Мирмонович Мирзиёев номзодини Ўзбекистон Либерал демократик партияси билан биргаликда қўллаб-қувватлаш бўйича яқдил қарорга келдилар. Съездда сайловолди кампанияси даврида номзодни қўллаб-қувватлашга доир вазифалар ҳам белгилаб олинди. Шунингдек, партия Уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, Марказий кенгашнинг янги таркибини тасдиқлаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ахборот хизмати

Узоқ кутилган

АДОЛАТ

Шўролар мамлакати ҳар қандай эркин фикр ва ҳар қандай мустақил тафаккурга душман сифатида қарагани учун ҳам "Қатта қирғин" даврида ўзбек аёлларининг энг илғор қисми маҳв этилди. Улардан бири Раҳима Исломовадир. 1918 йили Каттакўрғон туманининг Алижон қишлоғида туғилган Раҳима Исмолова оиланинг тўнғич фарзанди эди. Ўта қизиқувчан ва иқтидорли киз шўро мактабига қатнаб аёло баҳоларга ўқиди. Инқилобнинг халқ бошига чинакам бахт олиб келгани ҳақидаги афсоналарга ишониб улғайди. Унинг гўдак қалби шўро киноси, китобларидан жой олган ёлгонларга ҳам тўла эди. Чунки у шўро давлатининг иккинчи, ҳақиқий юзини ҳали кўрмаганди. Раҳима 1929 йили комсомолга кирди. 1930 йили отаси вафот этиб, қатта ҳўжалиқнинг ташвиши зиммасида қолди. У 1930-36 йиллар қолхозда меҳнат қилди.

Фаол ёшлардан бири сифатида барча тadbирларнинг олд каторида бўлиб, совет мамлакати шаънига тинмай мадҳиялар қуйлади. 1936 йили 6 ойлик комсомол курсини битиргач, 1937 йилнинг 1 январидан бошлаб Митан туман комсомол ташкилоти котиби ўринбосари этиб тайинланди. Раҳима 1937 йилнинг 31 июлида Тошкентда бўлиб ўтган комсомоллар курултойида ЎзССР ЛКСМ Марказий комитети котиби Исроил Ортиқов билан учрашди. Унга туманда мавжуд муаммолар, ёшларнинг истаklarини етказди. Шундан сўнг, И.Ортиқов Митан туман партия кўмитаси биринчи котиби Жуманиёз Матниязовга чиқиб, Раҳима Исмолова ва туман комсомол ташкилотига ёрдам беришни сўрайди. Раҳима 1937 йил 7 августдан Митан туман комсомол котиби сифатида иш бошлади. У қиска вақтда ёшларнинг таълим олиши, мактаб ва маориф ишларини ривожлантириш масалаларида қатта ишларни амалга оширди. Айниқса, ёшларни бир гоё остида жипслаштириш, қолхозчиларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш борасида фаол ҳаракат қилади. Бирок... 1938 йил 24 январь куни ИИХК Митан туман бўлими Раҳима Исмоловани ЎзССР ЖК 57-1, 67-моддалари билан айблар, қамокка олишга қарор чиқаради. 1938 йил 28 январь куни имзоланган ордер асосида уни ҳибсага олишади. Шахсий анкетасига кўра, бу вақтда унинг оила аъзолари 67 ёшли онаси Ойтўла ая, 16 ёшли укаси Бозор, 14 ёшли укаси Нормурод ва 10 ёшли синглиси Фозилалардан иборат эди. Унинг аборг хонадонидан арзирли ҳеч нарса чиқмайди ҳам. Фақат кекса онахон ва болалар Раҳиманинг ортидан қон йиғлаганича қолиб кетадилар. 4 февраль куни бўлиб ўтган илк сўроқда Митан ИИХК бўлими бошлиғи Федяев унга: "Қим сени аксинкилобий ташкилотга тортиди?" деган саволни беради. Раҳима ўзига қўйилган айбловга чидай олмай, йиғлаб юборади. У Митан худудида ҳеч қачон бунақа ташкилот бўлмагани ва

ўзига қўйилган айбловларнинг барчаси бўхтон эканлигини таъкидлайди. 8 февраль куни эса Митан туман ижрокўмида ўзининг иштирокисиз Раҳима Исмолова "иши" муҳокама қилиниб, уни туманда мавжуд бўлган қандайдир аксинкилобий ташкилотга 5 кишини тортган "халқ душмани" деб комсомол сафидан чиқаришади.

РАҲИМА ҲАМ БИРИНЧИ КУНИ ҲАМ ҲОЛГА КЕЛГАЧ, ИЛОЖСИЗ ЙИҚИЛАДИ. АҚЛИЙ ҲОЛАТИНИНГ БУЗИЛГАНИНИ КўРГАН МАЛЪУНЛАР УНИНГ ҚўЛИГА БИР НЕЧА ҚОҒОЗЛАРНИ ТУТҚАЗИБ, ИМЗОЛАТТИРИШАДИ ВА ҚАЙТА КАМЕРАГА ТАШЛАШАДИ.

Раҳима Исмолова 23 февраль куни терговга чақирилади ва унинг олдида бир неча вақт қоғозларни қўйиб, имзолашни сўрашади. Раҳима рус тилида ёзилган матнларнинг таржимасини беришларини талаб қилади. Улар эса рад этиб, имзо чекмай бу ердан чиқмаслигини айтдилар. Раҳима 5 мартга тергов хонасида сақланади. Ҳақ бир кун давомида унга уйку беришмайди, овқатсиз, фақат кам-кам сув билан тик турғазиб қўйишади. Сал қийшайса сўкишади, уриб-тепишади. Бирин - кетин терговга келиб кетаётган эркакларни таниб, ёрдам бериб қолар, деган умид билан илтижоли қарарди. Аммо кўрқувдан қалтираб жони халқумида турган кимсаларнинг кўзига ўзбек қизининг мунгли ҳолати кўринмайди, ҳеч ким ёрдам бериш ҳақида ўйламайди. Раҳима ҲАМ БИРИНЧИ КУНИ ҲАМ ҲОЛГА КЕЛГАЧ, ИЛОЖСИЗ ЙИҚИЛАДИ. АҚЛИЙ ҲОЛАТИНИНГ БУЗИЛГАНИНИ КўРГАН МАЛЪУНЛАР УНИНГ ҚўЛИГА БИР НЕЧА ҚОҒОЗЛАРНИ ТУТҚАЗИБ, ИМЗОЛАТТИРИШАДИ ВА ҚАЙТА КАМЕРАГА ТАШЛАШАДИ. 1938 йилнинг 26 февраль санаси билан имзолатилган сўроқ баённомасида Раҳима Исмолова гўёки 1937 йил февралда Файзулла Хўжаев



1941 йил 17 май куни маҳбус Раҳима Исмолова СССР депутатлари кенгашига шикоят аризаси ёзади. Рус тилини билмагани учун хатни 1941 йил 7 июн куни Чурагулов таржимаси билан кенгаш маънасида йўллайди. У депутатларга мурожаатини "суд менга ноҳақлик қилди", деб бошлади. Ўзининг ҳаёти, фаолияти ва бошидан кечирган барча ноҳақликларни батафсил баён қилади. Шундан сўнг, фикрини умумлаштириб, "...мен мутлақ айбсизман, гуноҳсизман. Ушанда 19 ёшда эдим, ҳозир 23 ёшдаман. Мана 3 йил-у 4 ойди-ки қамокдаман. У ёқда укаларим қолиб кетган. Депутатлар, мен Ўрта Осиёданман, шимол совуғи соғлиғимни олди. Ёшлгим алам ва надоматлар ичидан қолди. Илтимос, мени бу зулмат лагердан чиқаринглар, ноҳақ ҳукми бекор қилинганлар" - дейди. Шу ариза асосида Раҳима Исмолова иши қайта кўриб чиқишга топширилади. Кўп ўтмай 1942 йилнинг 13 мартида у Ухтижемлагга этап қилинади. 1942 йилнинг 10 августида прокурор протести асосида 1942 йилнинг 18 ноябрида Раҳима Исмолова озодликка чиқарилади. Айтиш керакки, ўша даврда одамийликдан узоқ бўлган малъунлар Раҳима Исмолова сингари хотин-қизларни аямай қалтаклаш, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азобларга дучор қилишарди. Улар орасида сурғунда ном-нишонсиз йўқолиб кетганлари қанча... Раҳима Исмолова кўп йиллар зарбдор қолхоз раиси сифатида ишлади, унинг умри пахта даласида ўтди. Фарзанд кўрмагани учун қариндошларининг болаларига оналик қилди. Бу жонқуяр аёли ҳозир ҳам қариндошлари, уни таниган билганлар илик хотирлашади.

Баҳром ИРЗАЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлар хотираси давлат музейи бош илмий ходими,
PhD

31 май — Халқаро чекишга қарши кураш куни

ҲАР ЙИЛИ САЙЁРАМИЗНИНГ

Қиличбек навқирон 42 ёшида коронавирус бeлoсига дучор бўлиб, ётиб қолди. Пандемия авж олган паллада унинг ҳам аҳволи қундан-қунга оғирлашиб борарди: иштаҳаси йўқ, тана ҳарорати юқорилаб, тушиши қийин, нафаси сиқиб қолар, олаётган муолажалари қор қилмас эди... Шифокорлар беморнинг яқинларига барча зарур чоралар кўрилатгани, аммо ўпкаси тoбора ёмонлашиб бoраётгани, кўп йиллар давомидаги кашандалик ўз асоратини кўрсатаётгани, шунинг учун буёғига фақат Яратганнинг мўъжизасидан умид қилиш мумкинлигини тушунирди. Аммо кўп вақт ўтмай, Қиличбекнинг ўпкаси бутунлай ишдан чиқди. Умри қиска экан, 2 нафар фарзанди отасиз етим бўлиб қолди. Аёли, ота-онаси ва яқинлари унинг қуёғида бўзлаб қолишди, «бу балодан қўпчилик соғайиб чиқяптику, нахот қирчиллама ёшда бу дардга дош беролмади-я», дея дарду ҳасрат қилишди... Афсус... Ҳа, 2020 йилда бутун дунё аҳолисининг бошига келган «тождор» вирус балосидан кўпларнинг ёстиғи қуриди, миллионлаб инсонлар эса соғайиб, оиласи бағрига қайтди. Вафот этганларнинг ақсарияти сурункали хасталиғи бор, ичкилик ва кашандаликни одат қилган инсонлар экани тиббиёт ходимлари томонидан кўп бор такрорланди. Шунинг учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш ёмон оdatларга ошно бўлмаслик уқтирилди.

Дарҳақиқат, кашандалик, тамаки маҳсулотлари инсон саломатлиғига жиддий зарар етказиши барчамизга маълум. Чекиш инсоннинг ўзи ва атрофдагилари соғлиғига ҳам жуда қатта зиён етказиши. Аммо чекишни одат қилган инсон бунини тушуна-да, ўзини идора қилишни истамайди, сигаретга муқкасидан кетади. Сигарет чекишга тoбе бўлган инсон усиз ҳаётини тасаввур қила олмай қолади. Бoра-бoра чекишга бўлган эҳтиёж овқатланишга бўлган эҳтиёж билан тенглашиб қолар экан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, чекиш таъсири остида 25 дан ортиқ касаллик (юрак-қон томир, ўпка ва саратон)ларнинг организмда ривожланиши кучаяди. Кўпгина олимларнинг изланишлари хулосаларида ўпка саратони ва миокард инфарктининг чекиш билан боғлиқлиги ҳақида жиддий илмий далиллар келтирилган. Юрак-ишемик касаллиги ва инсультдан ўлим ҳолатларининг 70 фоизи чекувчи ва спиртли ичимликлар ичувчи одамлар хиссасига тўғри келади. Статистик маълумотлар ҳар бир чекувчи одам ўз ҳаётини 18 йилга қисқарттиришини кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2022

МИЛЛИОН ФУҚАРОСИ ТАМАКИДАН ВАФОТ ЭТАЯПТИ

йилда эълон қилган маълумотларига кўра, тамаки маҳсулотининг инсон организмга зарарли таъсиридан ҳар йили сайёрамызнинг 6 миллионга яқин аҳолиси вафот этади. Уларнинг 12 фоизи чекувчи бўлмаганлар (пассив чекувчилар)дир. Ачинарлиси, болалар пассив чекувчилар бўлиб қолмоқда. Яъни, улар атрофидаги одамларнинг чекиши оқибатида тамаки тутуни аралаш ҳаво билан нафас олишади. Бу эса табиийки, уларнинг саломатлиғига ҳам қатта зарар бўлади. Бу илмий тадқиқотларда ҳам исботланган. Яъни, пассив чекиш ҳам одамда касалликка чалиниш, ногиронликка йўлиқиш ва ўлим хавфини ошириши исботланган. Тамаки тутуни касалликка қарши имунитетнинг бирламчи қурашувчан жавобига сабаб бўлувчи интерферонларни блоқлайди. Бундан ташқари, зарарли одат туфайли ўпкаси зарарланган чекувчиларда коронавирус келтириб чиқарган пневмония қийинроқ кечади. Демак, коронавирус инфекцияси хавфи сезиларли даражада чекинган бўлса-да, чекувчилар бу зарарли одатдан воз кечишга жиддий қиришиши лозим. Психологлар фикрига кўра, чекишни ташлаш жараёнида энг қийини дастлабки уч кунни бошдан кечирди. Ушбу муқддатда инсон ўзини идора қила олма, чекишга тобеликни енга олма, иродали бўлса, бу одатдан қутилиб кета олади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1988 йилда 31 майни Халқаро чекишга қарши кураш



Мухтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА



Маълумки, инсоният маънавияти ва тафаккури маданият ва санъатсиз ривожланмайди. Юртимизда бу соҳа ҳам айрим сабаблар туфайли депсиниш даврини бошдан ўтказди. Сўнги йиллардагина мазкур соҳалар тараққиётга юз тўнгу ҳолиш мумкин.

ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИДА

ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ



Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Азамат Зиё ҳам сўзга чиқиб, номзоднинг «Миллий тикланиш» демократик партиядан кўрсатилишини манتيкий зарурат, деб атади. Негаки Шавкат Миромоновичнинг ўта қисқа муддатда миллатимиз тикланиши, давлатимиз юксалиши йўлидаги хизматларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти қанчалар юксак эканини ҳалигача тўла англамаяпмиз. Шу ўринда Президентимизнинг халқимизга берган тенгсиз бойлиги бу – эркинлик эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. – Шавкат Мирзиёевнинг президентлик фаолияти, бундан буён одамлар эмас, давлат одамлар хизматида бўлади ғоёсининг ўртага ташланганидан бошланганини бир эсга олайлик. Шу тариқа, Ўзбекистонда демократиянинг ўзига хос намунаси яратилди, – деди Азамат Зиё.

Тадбирда партия аъзоси, Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмурадов сўзга чиқиб, партия Пленумида Президентликка номзод сифатида бежиз Шавкат Мирзиёев танланмаганини таъкидлади. – Авваламбор Президентликка номзоднинг жуда катта ташкилотчилик тажрибаси бўлиши керак. Шавкат Миромонович шу маънода бошқарувнинг барча поғоналарини босиб ўтган етакчи. Албатта, унинг ҳаётида ҳам қийинчиликлар бўлди. Чунки ўсаётган одамнинг йўлида сунъий тўсиқ яратадиган кучлар ҳар доим топилган. Ана шундай тўсиқларни енга олган одамгина етакчи бўла олади. Шавкат Мирзиёевни бугун ана шундай тажрибага эга бўлган етуқ арбоб деб биламан, – деди Рустам Холмурадов.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Ширинов эса партия дастуридан ўрин олган қўлаб-қувватлашнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилганини таъкидлади. – Маълумки, «Миллий тикланиш» болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг соғлом ривожланишига устувор аҳамият қаратиб келяпти. Шу боис, дастуримиз болалар ва ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан муҳофаз

қилиш ишларини кучайтириш режа қилиб қўйилган эди. Айтиш мумкинки, партиянинг ушбу ғоя ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича 2021-2022 йилларда Президент томонидан 10 дан ортиқ Фармон ҳамда қонунлар қабул қилинди. Хусусан, «Болаларни уларнинг ёрдам кўрсатиши зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгаришлар ва «Реклама тўғрисида»ги қонунга кўра, бола соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, улар учун мўлжалланган босма нашрларда энергетик ичимликларни реклама қилиш тақиқлаб қўйилди. Партия коррупцияга қарши курашишга ҳам жиддий эътибор қаратиб келади. Шу боис, Сайловолди дастурида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган эди. Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги Фармони билан юқорида қайд этилган қонун ҳам қабул қилинди, Сенатга юборилди. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, айниқса, эҳтиёжманд аҳоли вакилларига бепул юридик ёрдам кўрсатишини яхшилаш учун партия дастурида белгилаб олинган «Бепул юридик ёрдам тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши режалаштирилган эди. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан Давлат раҳбарининг бир эмас, учта Фармони қабул қилинди. Натижада, парламент қўйи палатаси томонидан «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Давлатимиз раҳбарининг бундай ташаббуслари ва амалий ҳаракатлари кўлаб мисоллар келтириши мумкин, – деди Ж.Ширинов.



Қорақалпоғистондан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Зумрад Бекатова ҳамда Касаба уюшмалари федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, сенатор Улықбек Жалмоновлар эса сўнги йилларда Қорақалпоғистонда амалга оширилган кенг қуламли бунёдкорлик ишлари ҳақида тўққизлаб гапирди. Охириги беш йилда ҳудуднинг маҳаллий бюджетига қарий 11 триллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим дастурлар изчил амалга оширилмоқда, қамбағалликни қисқартириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб бориляпти. Жумладан, 65 мингга яқин оилага, 16 ёшгача болаликдан ногирон аъзоси бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Ўтган 5-6 йил ичида Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий даромад 3 баробарга ошди. Албатта, бундай эзгу ишлар Президентимиз ташаббусларининг амалий натижаси эканини ҳар бир инсон, қолаверса, ҳар бир қорақалпоғистонлик ўз ҳаётида ҳис этипти.



Маълумки, инсоният маънавияти ва тафаккури маданият ва санъатсиз ривожланмайди. Юртимизда бу соҳа ҳам айрим сабаблар туфайли депсиниш даврини бошдан ўтказди. Сўнги йиллардагина мазкур соҳалар тараққиётга юз тўнгу дейиш мумкин. Хусусан, кейинги 5 йилда маданият ва санъатга оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. – Музейлар бизнинг тарихимиз, аجدодларимиз маданияти ва қадриятларини яққол акс этдирувчи тирик организмдир, – деди Ўзбекистон давлат санъат музейи директори Василя Файзиёва. – Фондларимизда сақланаётган асори-атиқалар халқимиз маънавияти, тарихдаги ўрни ва маданиятини кенг тарғиб этувчи илмий-маданий муассасалар ҳисобланади. Шулар эътиборга олиниб, Президентимиз ташаббуси билан кейинги бир неча йилда 10 дан ортиқ янги музейлар ташкил этилди.



Съездда Инновацион ривожланиш агентлиги директори Олимжон Тўйчиев ҳам сўзга чиқиб, ижодкорлар ҳамда инновацияларга интилувчан ёшлар учун яратилган имкониятлар, давлат бошқаруви самардорлигини ошириш, бу тизимда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, узоқ муддатли ривожланиш стратегиялари доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди. – Бугун Ўзбекистон ва умуман минтақадаги барқарорлик ва тараққиёт бевосита Шавкат Мирзиёев фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги учун ҳам Президент сайловларида Шавкат Мирзиёев номзодини қўлаб-қувватлаш партиянинг энг тўғри қарори, – деди О.Тўйчиев.



– Мен Шавкат Миромонович Мирзиёевни халқпарвар раҳбар, ўз халқи тарихини яхши билган инсон сифатида биламан. У киши лавозимга киришган дастлабки кунларданок мамлакатимизда инсон кадри, ҳуқуқи, манфаати ва ҳимоясига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Айниқса, Қатагон қурбонлари меросини ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш мақсадида жуда кўп ишлар қилинди, – деди Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи раҳбари, халқ депутatlари Тошкент шаҳар

Кенгаши депутати Бахтиёр Ҳасанов. 2017 йил 31 август – «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини» Президентимиз Шавкат Мирзиёев музейга ташриф буюриб, «Ушбу музей – музейларнинг музейи» дея музейнинг ҳудудларда ҳам бўлимларини ташкил этиш таклифини билдирганлари кечагидек эсимда. У киши вилоятларда ҳам юзлаб қатагон қурбонлари борлигини айтиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 13 та олий таълим муассасаси тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этишга бош-қош бўлганлар. Президентнинг «Қатагон қурбонлари меросини чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши асосида эса 14 та ҳудудда «Қатагон қурбонлари» Хотира китоблари тайёрланиб, уларга 40 мингга яқин қурбон бўлган ватандошларимизга оид маълумотлар киритилди.

Шундан сўнг делегатлар Ўзбекистоннинг миллий юксалишини амалда таъминлаётган, миллат ва Ватанга садоқати ҳамда халқпарварлигини исбот қилган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини Ўзбекистон Либерал демократик партияси билан биргаликда қўлаб-қувватлаши бўйича яқдил фикрга келдилар. Таниқли олимлар, элимиз ардоғидаги зиёлилар, энг чекка ҳудудлардан сайланган делегатларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитиб, таҳлил

қилиб, чиндан ҳам Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида юртимиз озодлиги, тилимиз, динимиз ривожини, илм-маърифат йўлида жон фидо қилган 600 нафардан зиёд ота-боболаримиз номининг оқлангани, деярли алоқаларимиз узилиш даражасига етиб қолган қўшни давлатлар билан яна биродарлик ришталарининг тиклангани замирида ўз халқини, унинг эртанги кунини ўйлаган фидойи инсоннинг заҳматли меҳнати мужассам эканини ҳис этгандек бўлдик. Бугун ана шу инсон – миллатпарвар

етақчи Шавкат Мирзиёевнинг номзоди бир эмас, икки йирик партия томонидан кўрсатилаётгани эса қўхна дунёда бекарорлик тобора авж олаётган бир пайда Ўзбекистонда бирлашиш, бир ёқадан бош чикариш йўли танланаётганини кўрсатади. Бу шубҳасиз, миллионлаб юртдошларимиз талаби асосида Янги Ўзбекистонни тараққиётнинг наватдаги босқичига олиб чиқишга хизмат қилади.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири



Соддарок айтганда, ушбу тизимга ўтилгач, фуқаролар партияларнинг реал ишларига қараб баҳо бера бошлайдилар.

СЪЕЗДДАН

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

Қ



Нодир ТИЛАОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ иродаси ва фикри билан ҳисоблашган ҳолда ислохотларни жадаллаштириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ролини оширишда партияларнинг роли жуда муҳим, албатта.

Маълумки, ислохотларнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган сиёсий партиялар ўз депутатлари ва аъзолари орқали халққа яқин бўлишга, дастурий мақсад ва вазифаларига нисбатан хайрихоҳларни жалб этган ҳолда, гоё ва мақсадларини рўйбга чиқаришга ҳаракат қиладилар. Зеро, партиялар томонидан номзодлари илгари сурилиб, халқ ишончини қозонган депутатлар халқ ва давлат ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажаришлари лозим. Афсуски, барча депутатлар ҳам ўз сайловчилари ва давлат ўртасида "кўприк"лик вазифасини тўла-тўқис бажара олаётганлари йўқ. Тан олиш керак, кейинги йилларда сиёсий партиялар фаолияти сезиларли даражада жонланган бўлсада, бу

ўзгаришлар ҳали сайловчи талаби даражасида эмас. Шунинг учун ҳам оддий фуқаролар орасида сиёсий партиялар ўртасидаги фарқлари, уларнинг мақсадию, асл муддаоларини билмайдиганлар ҳам бор. Узоққа бормаёлик, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясида 26 нафар депутат бўлса, уларнинг ҳаммаларини ҳам сайловчи ва партия ишончини оқлапти, дейиш қийин. Агар ана шу депутатларни бошқариш ёки уларнинг хатти-ҳаракатига қараб хулоса чиқаришга партиянинг етарли даражада ваколати бўлганида эди, бундай "самарасиз" депутатларни алмаштириш мумкин бўларди...

Бунинг асосий сабаби эса вакиллик органларига бўладиган сайловларда номзоднинг партиявийлиги иккинчи даражали масала саналганидир. Шу боис, Конституциявий ислохотлардан кейин мамлакатимизда аралаш – мажоритар ва пропорционал сайлов тизимини жорий этиш таклифи илгари сурилаётир. Ушбу ўзгариш туфайли

сиёсий партиялар роли ва мавқеи сезиларли даражада ошди. Бу сиёсий партияларнинг вакиллик органларида кўпроқ ўрин эгаллашларига ҳам туртки беради.

Шунингдек, ушбу тизим партияни халққа янада яқинлаштириши, жамиятни ўйлантриган муаммоларни нафақат кўтариб чиқиш, балки уларни ҳал этиш орқали одамлар ишончини кўпроқ қозонишга ҳам имкон беради. Соддарок айтганда, ушбу тизимга ўтилгач, фуқаролар партияларнинг реал ишларига қараб баҳо бера бошлайдилар. Бу эса сиёсий партиялардан салоҳиятли, натижа берадиган номзодларни танлаш, шакллантириш ва улар билан бақамти ишлашни талаб этади.

Албатта, сиёсий партиялар ўртасида рақобатнинг кучайиши, жамиятнинг ривожланиши, фикрлар ҳамда сиёсий қарашлар хилма-хиллигига ҳам олиб келади. Бундай ўзгаришлар съездимизда қайд этилганидек Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва сиёсий иродаси билангина амалга ошапти.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИЗ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Ш

Шубҳасиз, Ўзбекистон ёшлар учун улкан имкониятлар мамлакатига айланмоқда. Зеро, ўттиз олти миллионли халқимизнинг қарийб олтмиш фоиздан ортигини ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Бугун бирон соҳа йўқки, ёшларга имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратилмаётган бўлса. Сиёсий жиҳатдан фаол, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, юртимизга садоқат билан хизмат қилаётган минглаб йигит-қизларимиз ҳатто миллий парламентда ҳам, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳам фаолият юритмоқдалар. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидан

далолатдир. Таъкидлаш лозим, бугун юртимизда 10 мингдан зиёд умумтаълим мактаблари, 210 та ОТМ, 330 та касб-хуна мактаби, қарийб 400 га яқин коллеж ва техникумлар бўлиб, кейинги йилларда улар қаторига Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳам қўшилди. Шу ўринда соҳага доир 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, 40 га яқин халқаро ҳужжатлар ратификация қилинганини айтиш жоиз. "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунлар, "Ўзлуксиз маънавий тарбия" концепцияси ҳам ёшлар ҳаётининг барча қирраларини қамраб ола бошлади.

Миллий дастурнинг қабул қилиниши эса таълим ташкилотларида қулай шароитлар яратилишига асос бўлмоқда. Мактабгача ва умумий ўрта таълимда "Тарбия" фанининг киритилиши ҳам маърифатли ёшлар тарбиясида муҳим рол ўйнай бошлади. Янги қилинган Конституцияда эса таълим, тарбия, ахлоқий тарбия билан боғлиқ нормалар оила билан бирга алоҳида бобда баён этилдики, бу ёшларга бўлган эътибордан далолат. Шубҳасиз, маърифатли ёшларни вояга етказишда оила ва маҳалла билан бир қаторда таълим тизимининг ўрни беқиёс. Шу боисдан кейинги йилларда мактабгача таълимга болалар қамрови 23 фоиздан қарийб 90 фоизга етказилди.



Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИ КАФОЛАТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИДИР

С



Умид ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Сўнги йилларда рақамли технологиялар ҳам ҳаётимизга шунчалик тез сингмоқдаки, нафақат соҳалар ривожини, балки кундалик ҳаётимизни ҳам улгарсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Қайд этиш жоизки, мазкур йўналишга айнан Давлатимиз раҳбари томонидан Янги Ўзбекистон ёшларининг келажагини белгилаб берувчи муҳим соҳа сифатида эътибор қаратилётгани реал натижаларга асос бўляпти. Аниқроқ айтадиган бўлсак 2020 йилнинг октябрида қабул қилинган "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг муваффақиятли ижроси сабаб Ўзбекистонда интернет кириб

бормаган корхона ва ташкилот қолмади. Энг чекка ҳудудлар аҳолиси ҳам бугун халқаро ахборот тармоғига уланган. Хусусан, аҳоли яшаш масканларини мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш даражаси 2017 йилдаги 30 фоиз ўрнига ўтган йили 98 фоизга етказилди. IT хизматларини экспорт қилаётган корхоналар сони эса бир йилда 102 тадан 257 тага етди. Экспорт ҳажми 2017 йилда бор-йўғи 600 минг долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 100 миллион доллардан ошди. Албатта, бундай ўзгаришлар янги авлод вакилларининг таълим олиши, замонавий

касбларни эгаллашларида муҳим аҳамият касб эътипти. Чунки бугунги тезкор даврда замонавий билимларни эгалламай туриб, ҳеч ким ўз орзу-мақсадларга эриша олмайди. Яъни, ахборот технологиялар, дастурлаш ҳамда IT соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиш, уларни юрт фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун татбиқ этиш жуда муҳимдир. Гарчи бу масалалар партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган бўлса-да, уларнинг аксарияти партияимиз съездида алоҳида таъкидланганидек, Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари асосида ҳаётимизга татбиқ этиляпти.

КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР




Умида РАҲМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

ГЕНДЕР СИЁСАТИ ВА БУ БОРАДАГИ ТАШАББУСЛАР САМАРАСИ ҲАҚИДА

— Я —

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, айниқса, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ҳам тизимли тарзда амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, бу борада ҳам дунёга андоза бўла оладиган муҳим ташаббуслар илгари сурияпти. Хусусан, кейинги беш йилда раҳбар аёллар сони 7 фоиздан 27 фоизга ортди. Айни кунда республика, вилоятлар даражасидаги давлат ва жамоат ташкилотларида 1400 нафар, туман ва шаҳар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида эса 43 мингдан зиёд хотин-қиз фаолият олиб борапти. Шу ўринда аёлларга пенсия ҳисоблашда бола парвариллаш таътилида бўлган давр қўшиб ҳисобланадиган иш стажы муддати 3 йилдан 6 йилга оширилди. Олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда ўқийдиган хотин-қизлар учун эса фоизсиз таълим кредитлари жорий қилинди. Магистратура босқичида тахсил олаётган хотин-қизларнинг шартнома тўловларини давлат томонидан қоплаш тартиби ҳам қатъий белгилаб қўйилди. Яқинда кучга кирган Конституциямизда ҳам хотин-қизлар ва эркеклар тенглигига оид бир қанча янги нормалар ўз аксини топди. Натижада кун кеча фақат тор соҳа вакилларигагина маълум бўлган «гендер» ҳақида фуқароларнинг қарашлари ва тушунчаларини шакллантиришга эришилди. Яна бир гап: Миллий қонунчилигимизга илк бор «гендер экспертиза», «гендер аудит» каби тушунчалар киритилиб, гендер тенгликни баҳоловчи механизмлар жорий этилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид 20 яқин қонунлар, шунингдек, бу ишларни янги поғонага олиб чиқиш мақсадида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Буларнинг барчаси азал-азалдан халқимизнинг қон-қонига синган кадрият, яъни аёлга эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, бу ташаббуслар партияимизнинг Сайловолди дастуридаги вазифалар билан ҳамоҳанг бўлса-да, буларнинг бари Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сураётган ғоя ва ташаббуслар асосида амалга ошмоқда.

РЕГИСТОН



ИММНИККИ?

НЕГА ТАРИХЧИЛАРИМИЗ СУКУТ САҚЛАШМОҚДА?

Қозоғистонда айрим бовурлар Самарқанд хукмдори, Регистон ижодкори, ўзбекларнинг олчин уруғи вакили бўлган Ялангтўш Баҳодирнинг аллаким, Жалантос Батур Сейиткулду деган кимса билан бир билиб, кўплаб хато ва чалқашликларга йўл қўйишмоқда. Ачинарлиси, бу адабиётларга, ҳатто тарихчиларимиз ҳам муносабат билдирмай, масалага аниқ-тиниқ баҳо беришдан тийилиб туришибди.

қандай боғлиқлиги йўқ, деб бемалол айтаемиз ва бунга куйидагича асослаймиз: Биринчидан, Ялангтўш Баҳодир Алимуддала уруғининг Тўртқара бўғинига эмас, балки ўзбекларнинг олчин уруғига тегишли хукмдор бўлган. Олчин уруғи мустақил уруғ бўлиб, қозоқларнинг Алимуддала ёки Тўртқара уруғи билан боғлиқлик жойи йўқ. Ялангтўш


бошқарган. Олтинчидан, ўзбек хукмдорлари орасида ҳеч ким Ялангтўшбий Баҳодир сингари қозоқ хукмдорларига қарши кўплаб муваффақиятли курашлар олиб бормаган ва айнан шу хизматлари учун тарихда ном қолдирмаган. Шарқшунос Роберт Макчеснинг фикрига кўра, айнан қозоқларга қарши олиб борган зафарли курашлари шарафига унинг обрўйи кўтарилган ва шунинг эъзизига Имомқулихоннинг Самарқанддаги ноиб элиб тайинланган. Бу урушлардаги маҳорати сабабли Ялангтўш Баҳодир Бухоро хонининг энг машҳур 38 ўзбек амири рўйхатидан ўрин олган. Ялангтўш Баҳодирнинг қозоқ хонларига қарши олиб

Тиллакори билан Шердор Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий ёки Ялангтўш Баҳодир томонидан Форсдаги Машҳад шаҳри эгалланганлигидан келган пул ва бойликлар ҳисобига қурилган. Шунингдек, Д.И.Эварницкий муаллифлигида нашр этилган "Путеводитель по Средней Азии. Отъ Баку до Ташкента" асарига қайд этилишича, Тиллакори маҷити (мадрасаси) ЎЗБЕКЛАРНИНГ ОЛЧИН УРУҒИДАН бўлган Ялангтўш Баҳодир томонидан насроний тақвимига кўра 1618 йили қурилган. Шердор маҷити (мадрасаси) 1616 йили қурилган, Абу Тоҳирхоннинг келтиришича, юқорида Ялангтўш Баҳодир деб аталган бу бино Регистонда турган учала маҷит (мадраса)дан ҳам энг улугвории саналади. Лекин бугун айрим қардошларимиз бу улуг ўзбек саркардасини худдики, генерал Собир Раҳимов сингари қозоқ миллатига мансуб, деб тарихий ҳақиқатни бузаётганларига муносиб жавоб қайтаришимиз зарур. Бунда ҳаракатсиз бўлиб турган тарихчиларимизни уйғотишимиз ва қадимги манбалардаги маълумотлар билан бир ёқлама қарашларга қарши бўлишимиз даркор! Ўзбек зиёлиси шундай вазиятларда халқнинг қорига ярамайдимиз? Қардошларимизнинг таллашиб, тўғри-нотўғри тарзда бўлса-хона Абулини қувиб, Дашти қипчоққача ҳайдаб юборадим. 1612 йилда Тошкент ва Туркистонни қозоқ бийларидан қайтариб олгани учун Балх амири унвонига сазовор бўлади. 1612 йили қозоқ хони Есимхонни Тошкентдан қувиб юборадим. 1621 йили Туркистонга бостириб келган қозоқлар етакчиси Турсун султон қўшинини хонлик худудидан ҳайдаб чиқаради. 1628 йили қозоқ хони Абули султон қўшинини енгиб, уни Қашғаргача «қузатиб» қўядим. 1636 йили Ялангтўш Баҳодирхон Сайрамга, қозоқ хонларига қарши қўшин тортади ва уларни Дашти Қипчоққа қадар улоқтиради. Табиийки, Ялангтўш Баҳодир агар қозоқ ботири Жалантос Батур Сейиткулду бўлганда эди ҳеч қачон қозоқлар билан худуд таллашиб, уларни доимий равишда Дашти Қипчоқ тарафларга қувмаган бўлар эди. Ялангтўш Баҳодир ҳақидаги манбаларда унинг фақат ўзбек эканлигига ургу берилган! Тарихчи А.П.Хорошхиннинг "Сборник статей касающихся Туркестанского края" номли мақолалар тўпламида келтирилишича,

ЛЕКИН БУГУН АЙРИМ ҚАРДОШЛАРИМИЗ БУ УЛУҒ ЎЗБЕК САРКАРДАСИНИ ХУДДИКИ, ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ СИНГАРИ ҚОЗОҚ МИЛЛАТИГА МАНСУБ, ДЕБ ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИ БУЗАЁТГАНЛАРИГА МУНОСИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРИШИМИЗ ЗАРУР.

авлодлари доирасидаги юқори мартабали амалдорларидан бири бўлган. Айнан шу сабабли Ялангтўш шу хукмрон сулола таъсиридаги муҳитда улғайган. Учинчидан, гарчанд хукмдор ўзбекча Ялангтўш Баҳодир номи билан машҳур бўлган бўлса-да, расмий манбаларда унинг Абдулқарим ва Низомуддин деган арабча номлари ҳам бўлганлиги келтирилади. Бундай номлар қозоғистонлик Жалантос Батур Сейиткулду билан боғлиқ ҳеч қайси манбада, ҳатто қозоқ ботири билан боғлиқ кун ора ўйлаб топилаётган янги ривоятларда ҳам йўқ. Тўртинчидан, Ялангтўш Баҳодирхоннинг уч фарзанди – Икlimaбону ва Ойбиби исмли қизлари ва отасидан 6-7 йил илгари вафот этган. Бойбек исмли ўғлидан ҳеч қандай фарзанд қолмаганлиги ҳам маълум. Жалантос Батур Сейиткулдунинг эса Қозоғистонда кўплаб авлодлари бор. Бешинчидан, яссавий тариқатига амал қилган Дашти қипчоқ қозоқларидан фарқли ўлароқ, Ялангтўшбий Нақшбандия тариқати вакили бўлган. Кейинчалик ҳам нақшбандия тариқати шайхларининг фаол қўллашлари натижасида Ялангтўш Баҳодир муваффақиятли тарзда Самарқанд вилоятини

Эркин МУСУРМОНОВ,
филология фанлари
доктори



ҚИРГИЗИСТОНДА АСМАН ҚУРИЛАДИ

Президент Сади́р Жапаровнинг сўзларига кўра, Асман шаҳрини қуриш ҳужжатлари ва пойтахтини тайёрлаш учун 1,5 йил вақт кетган. Шаҳар қурилишига эса 30 июнь кунини старт берилади.

«Келажакда шаҳарда 500 мингдан 700 минггача одам яшаш режалаштирилган. Шаҳарнинг умумий майдони 4 минг гектарни ташкил қилади. Қурилиш ташқи инвесторлар — хорижий компаниялар томонидан молиялаштирилади», — деди давлат етакчиси.

КОСМОСДА ЯНГИ РЕКОРД

«3d news»нинг хабар беришича, Хитойнинг «Шенчжоу-16» космик кемаси муваффақиятли учирлиши билан орбитадаги ерликлар сони рекорд даражага яъни 17 кишига етди. Аввалги рекорд 2021 йил 16 сентябрда ўрнатилган. Ушанда бир вақтнинг ўзига 14 киши орбитада бўлган: етти нафари ХКСда, учтаси «Шенчжоу-12» космик кемасининг тайконавти ва Crew Dragon шахсий миссияси томонидан юборилган тўрт нафар америкалик эди.



ГРЕЦИЯ ПАРЛАМЕНТСИЗ ҚОЛДИ

Греция президенти Катерина Сакелларопулоу фармони билан 25 июнь кунини бўлиб ўтадиган парламент сайловлари муносабати билан Греция парламенти тарқатиб юборилди. Аънамага кўра, парламентни тарқатиб юбориш ва сайловни 25 июнга тайинлаш туғрисидаги Президент фармони ҳам соат 16:00 да Олий қонун чиқарувчи органнинг хавфсизлик хизмати раҳбари томонидан парламентнинг асосий эшиги олдидаги махсус лавҳага осиб қўйилди.

WINDOWS XP ХАКЕРЛАР ҲУЖУМИГА УЧРАДИ

Мутахассислар фойдаланувчиларни XP'ни ишлатишдан огоҳлантирмоқда. Номмаълум шахслар Windows XP учун калит танлаш алгоритмини бузиб кирди. Чунки 20 йилдан кўпроқ вақт олдин чиқарилган тизим замонавий хавфсизлик талабларига жавоб берамайди. «inuyapps» блогда эскирган Windows дастурини фаоллаштириш учун калитларни яратиш имконини берувчи дастур аниқланган. Ерданчи дастур яратувчиларнинг фикрига кўра, хизматдан фойдаланиб, Microsoft серверларига уланмасдан офлайн режимда жорий фаоллаштириш калитларини яратиш мумкин.



Ҳиндистонда озик-овқат инспектори тўғон ёнида сельфи қилиб телефонини тушириб юборди ва уни олиш учун тўғондан 2 млн. литр суви тўктирди. Бу ҳаракати сабаб амалдор лавозимидан озод қилинди.

Талабалар — меҳмонимиз

МУЗЕЙГА ҚАЙТИБ БОРМАСАМ КЕРАК...

Бир неча кун олдин гуруҳимиз билан уй-музейларга бордик. Илк манзилимиз 1956-1976 йиллар мобайнида яшаб ижод қилган буюк композитор ва хофиз, академик Юнус Ражабий уй-музейи бўлди.



Бу ерда Юнус Ражабий ўқиган ва ёзган китоблари, мусика асбоблари ва иш хонасини томоша қилдик. Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида эса кичик келини ҳикоя қилиб берди. Буюк бастакорнинг кенжа ўғли эса танбур чалиб, ашула хиргойи қилди. Шундан сўнг Абдулла Қаҳҳор уй-музейига бордик. Бу адабий мемориал музей 1987 йилнинг 6 майида ташкил топган экан. Музейда Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий китоблари, турли ҳужжатлар, кўлэмалар, магнитофон ёзувлари ва тарихий фотосуратлар билан танишдик. Лекин, ҳар икки уй-музейда ҳам одам камлигига хайрон бўлдим. Бугунга келиб шундай эътиборсиз бўлиб қолдикми ёки умуман

юртдошларимиз уй-музейларига кам боришaptими деган саволга ўзимга жавоб топгандек бўлдим. Адиб уй-музейига киришдан олдин ўзимни чақирилмаган меҳмондек ҳис қилдим. Ҳар ҳолда, бизга маълумот бераётган икки ёш ходимнинг муомаласи менда шундай таассурот қолдирди. Ахир келган меҳмонни қарши олишнинг биринчи шарти ҳам хушмуомалалик ва одоб эмасми? Ҳақиқат шуки, саёҳатда олган таассуротларингиз бу манзилга қайтиб келиш ё келмаслигингизни белгилайди. Мен ҳам бу уй-музейига қайтиб келмаганим маъқулмикан, деб ўйлаб қолдим...

Зарина АХМЕДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда етти мингдан ортиқ ёлгорлик, шу жумладан, 2500 та меъморий обида, 2700 дан зиёд монументал санъат асарлари бўлиб, улар давлат муҳофазасига олинган. Агар ёшларнинг ана шундай қадамжоларга саёҳатлари уюштирилса, улар нақадар буюк юрт ва мутафаккирлар авлоди эканликларини чуқурроқ англаб етадилар. Бу туйғунини ЎзДЖТУ профессор ўқитувчилари ва талабалари билан Самарқандга уюштирилган саёҳат давомида ҳис қилдим. Соҳибқирон Амир Тему́р бобимиз «Ким кудратимизга шубҳа қилса, биз қурган биноларга боксин», деган эканлар, саёҳат давомида «Шердор», «Улугбек», «Тиллақори», «Бибахоним» мадрасаларидаги улугворлик беҳтиёр қалбимга «кимларнинг авлоди эканман-а» деган бир ифтихорини солдики, уларга муносиблик ҳисси ила қоришиб кетди. Уларнинг ҳар бири инсон онгини бир муддатга бошқараётгандек ҳам туюлар экан. Улугбек

мадрасасининг рўпарасида қурилган «Шердор» ва «Тиллақори» мадрасалари мустақиллик йилларида тўлиқ таъмирдан чиқарилган экан. Регистон майдонини эса аждоқларимиз маҳорати, шон - шавкатидан дарак берувчи ёлгорлик десақ муболага бўлмайди. — Ушбу ёлгорликларни, тарихий ва маданий обидаларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиши борасида амалга оширилаётган ишлар самараси, юртдошларимиз, айниқса, ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат туйғунини синдиришга хизмат қилмоқда», — дейди саёҳат чоғида Ўзбекистон Қаҳрамони, археолог Файрадин Хўжаниёзов. Дарвоқе, саёҳат давомида вақт масаласи сабаб Улугбек расадхонасига қира олмадим. Саёҳатдан қайтар эканман, яна бир бор Самарқандга келсам, албатта, бу манзилга киришни ният қилдим...

Анвар ЖАББОРОВ, ЎзДЖТУ талабаси

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛАЁТГАН АВЛОД

Айрим вояга етмаган ёшларнинг ўз жонига қасд қилиши аянчли ҳолат, албатта. Аммо кейинги пайтларда негандир бу каби воқеаларга табиий ҳолдек қарай бошладик. Назаримда бундай ҳолатларга асосий сабаб ёшларни ўраб турган муҳит! Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларининг ўтиш давридаги ўзгаришларини, уларнинг инжиқликлари, талаб ва истаклари, орзуларини кўришмайди ёки кўриб кўрмайди оладилар. Оқибатда у ўзини тушунадиган, меҳр бера оладиган инсонни

қидиради. Топа олмаганидан кейин унинг олдида учта йўл қолади. Биринчиси дахшатли кийноқларга тўла кўрkinчи ҳаёт, (Ҳар бир ташқи таъсир ўсирилган ўта оғрикли жараён тарзида ўтиши мумкин) иккинчиси ўзига ром этувчи виртуал олам, (Ижтимоий тармоқларга қараганда ортиқ қарамлик: Турли ўйинларга, масалан, «Публик», «Аниме», «Гренжеларга қарамлик), учинчиси бир зумда озод этувчи «Ўлим ўчоғи» (суицид). Маълумотларга кўра, йилга жаҳон бўйлаб 800 минг киши ўз

жонига қасд қилар экан. Буларнинг аксар қисми вояга етмаган болалардир. Қайд этилишича, бу каби ҳолатлар асосан, 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган даврда содир бўларкан. Талкиотларга кўра, жонига қасд қилган ўсирилларнинг 90 фоизининг руҳиятида муаммоси бўлган. Жаҳон статистикасига кўра, суициднинг 75 фоизи камбағал давлатларда рўй беради. Лекин бу дунёнинг ривожланган давлатларида бу муаммо йўқ, дегани эмас. Мисол учун, Жанубий Кореяда одамлар бир неча бор метро рельсларига сакраб, ўз

жонларига қасд қилганларидан кейин метро бекатлари ҳимоя деворлари билан ўраб қўйилди. Бу тажрибадан Хитой ва Японияда ҳам фойдаланишяпти. Инсонларга ҳам худди ўсириллар, навихоллар каби эътибор берилмаса, яъни дилига озор етса, қалбни яраланса, дарахт каби синади. Қачонки, инсоннинг қалби тинч-хотиржам бўлса ўша одам мукаммал инсон бўлади.

Умид АБДУРАШИДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



2100 ЙИЛДА ЖАЗИРАМАГА ДУЧОР БЎЛИШИ МУМКИН

Олимларнинг қайд этишича, Ҳиндистон каби айрим давлатлар аллақачон антропоген (инсоният қўли билан яратилган) иқлим иссиқиқибатларидан жабр чекмоқда. Ҳаттоки қуёш уриши сабабли улимлар сони ҳам қўпаймоқда. Экспертларга кўра, Ҳиндистон ортидан яқин келажакда Нигерия, Индонезия, Филиппин ва Покистонда ҳам муаммолар кузатила бошлайди.



САУДИЯ АРАБИСТОНИ BRICS БАНКИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Саудия Арабистони BRICS банки деб номланувчи Янги Тараққиёт банкига қўшилиш бўйича музокаралар олиб бормоқда. Агар музокаралар муваффақиятли яқунланса, қироллик банкнинг тўққизинчи аъзосига айланади. Банк 2015 йилда Шанхайда Бразилия, Ҳиндистон, Россия, Хитой ва Жанубий Африка томонидан ташкил этилган.



ROLLS-ROYCE НИНГ МИНГЛАБ ХОДИМЛАРИ ИШСИЗ ҚОЛИШИ МУМКИН

Британиянинг Rolls-Royce машинасозлик компанияси оптималлаштириш дастури доирасида минглаб ходимларни ишдан бўшатиши мумкин. Компания ўзининг учта бўлинимаси - фуқаро авиацияси, мудофаа ва энергетика тизимларини бирлаштиришни режалаштирмоқда. Бунинг натижасида 30 минг ходимнинг 10 фоизи ишсиз қолиши, энг катта қисқартиришлар эса компаниянинг бош қароргоҳи жойлашган Дербидаги ходимларга таъсир қилиши мумкин. У ерда компаниянинг бэк-офиси жойлашган.



Роботларнинг эни тахминан 20 микрометрни ташкил этади — бу одам сочидан бир неча баробар юпқа. Улар сониясига тахминан уч миллиметр масофани босиб ўтишга қодир. Олимларнинг қайд этишича, келажакда бундай роботлар ёрдамида зарарланган органга дори воситаларини операциясиз етказиш мумкин бўлади.